

## Ота онага вафотидан сўнг яхшилик қилиш (иккинчи мақола)



11:00 / 05.12.2020 4593

### 2. Истиффор айтиш.

Аллоҳ таолодан ота-онасининг гуноҳини кечишини сўраб, истиффор айтиш. Фарзанд ўтиб кетган ота-онасига Аллоҳ таолодан мағфират сўраб турса, уларга вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилиб турган бўлади.

هُتَجَرَد رَد و تَوْم دَعَب تِي مَلَل عَفْرُت : لاقُهُ نَعُ لَل لِي ضَرَّ رَ رِي رُه يَبَأ نَع  
ي رَاخُ بُلْ هَاوَر ، كَل رَفْعُ تَسَا كُدَلَو ؛ لاقِيَف ؛ وَ دَهْ عِي شِي ؛ بَرِّي ؛ لوقِيَف  
بَدَالِيَف

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Майит ўлганидан кейин унинг даражаси кўтарилади. Бас, у:**

**«Эй Роббим, бу нима?» - дейди.**

**«Боланг сенга истиғфор айтди», - дейилади».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Албатта, инсоннинг ўзи вафотидан сўнг амал қилиш имконидан маҳрум бўлади. У ҳеч нарса қила олмайдиган, кутиб туришдан бошқа нарсага ярамайдиган ҳолга тушади.

Аммо, ўлганидан кейин бир кишининг даражаси кўтарилади. Бундан ўша банданинг ўзи ҳам ҳайрон. Қандай қилиб ўлимидан кейин унинг даражаси кўтарилиши мумкин? Бу ажабланиш уни Аллоҳ таолога савол беришга ундайди. У:

**«Эй Роббим, бу нима?» - дейди».**

Унинг ажабланиш ила берган бу саволининг жавобига:

**«Боланг сенга истиғфор айтди», - дейилади».**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу гапларидан боланинг истиғфори – мағфират сўраши туфайли унинг вафот этиб кетган ота-онасининг охиратдаги даражаси кўтарилиши билиб олинади.

Шунинг учун ота-онасининг ўлимидан кейин уларга яхшилик қилмоқчи, уларнинг ортидан савоб етказмоқчи ва охиратдаги мақомининг яхшиланиши, даражасининг кўтарилишини истаган фарзанд уларга мағфират сўраб, дуода бўлиши лозим.

Ўтиб кетган ота-онасига мағфират сўрайдиганларнинг энг яхшиси намозхонлардир. Намозхон ҳар намозининг охирида, дуо қабул бўладиган бир мақомда, салом беришдан олдинги дуосида ота-онасига мағфират сўрайди.

3. Ота-онанинг аҳдига вафо қилиш.

Ота-она ким биландир аҳд тузган бўлса, берган ваъдаси, мажбуриятлари бўлса – шуларнинг ҳаммасини ўрнига қўйиб, васиятларини бажариш ҳам ота-онанинг орқасидан қилинадиган яхшиликлар қаторига кирар экан. Худди уларга тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлар экан.

– Ота-онанинг аҳдига вафо қилишнинг бир тури уларнинг қарзини узишдир.

– Ота-онанинг аҳдига вафо қилишнинг бир тури уларнинг назрини адо қилишдир.

– Ота-онанинг аҳдига вафо қилишнинг бир тури уларнинг васиятларини бажаришдир.

*(Давоми бор)*

**«Бахтиёр оила» китобидан**